# МОСКВАДА ЎЗБЕК КИНОСИ КУНИ

**Бугун Ватанимиз пойтахти Москвада «Ўзбек киноси куни» ўтказилади. Республика маданиятида қайд қилинажак шу воқеа муносабати билан «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори Ў. Умарбеков мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.**

— Мамлакатимиз халқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олишга тайёргарлик кўраётган бир пайтда қадрдон Москвада, эстетик диди юксак, талабчан томошабинлар ҳузурида ўзбек киноси кунининг ўтказилиши ғоят фахрли ва қувончлидир. Айниқса, ўзбек киноси куни программасига киритилган ва Марказий «Киночилар уйи»да намойиш этиладиган фильмлар ижодкорларининг шодлиги чексиз. Бу экран асарлари атоқли кинорежиссёр, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Ёрматовнинг «Узоқ-яқин йиллар» бадиий, режиссёр Э. Калантаровнинг ўзбек халқ эртаклари асосида яратган «Хўжа Насриддин» мультипликацион, шунингдек, бир нечта ҳужжатли фильмлардан иборат.

Маълумки, «Узоқ-яқин йиллар» картинаси тарихий-инқилобий мавзуга бағишланган. К. Ёрматов ва М. Мелкумов сценарийси асосида яратилган бу фильм санъатшунослар ва томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Биз устоз санъаткор яратган бу мароқли картинани Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қутлуғ 60 йиллигига муносиб совғаларимиздан бири, деб айта оламиз. Шундай экан, мамлакатимизнинг барча кишилари сингари Октябрь шодиёнасини муносиб кутиб олишга зўр тараддуд кўраётган москваликлар кўз ўнгида «Узоқ-яқин йиллар» фильмини намойиш этиш ғоят завқлидир. Пойтахтда кўрсатиладиган ҳужжатли фильмлар Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ходимлари томонидан яратилган бўлиб, республикамиз халқ хўжалигининг сўнгги йиллардаги ютуқлари, улкан ўзгаришлар, фан ва маданиятимизда эришилган қимматли зафарлар ҳақида ҳикоя қилади. Бу картиналар айни вақтда москваликларни бунёдкор меҳнати билан Ватан бойлигига бойлик, қудратига қудрат қўшаётган, ўнинчи беш йилликда ажойиб меҳнат қаҳрамонликларини намойиш қилаётган замондошларимиз билан яқиндан таништиради.

Ўзбек киноси кунида бир группа таниқли кинематографчиларимиз иштирок этади. Уларнинг кўпчилиги «Киночилар уйи»да кўрсатиладиган фильмларнинг яратувчиларидир. Картиналар намойиш қилиниб бўлгач, москвалик таниқли киношунослар, санъаткорлар ва томошабинлар иштирокида асарлар юзасидан муҳокама бўлади. Ўйлаймизки, бўлажак бу муҳокама, кинематографчиларимизнинг келгуси ижодларида қимматли роль ўйнайди.



# КЎЧАТ ЭКИНГ— БОҒ ҚИЛИНГ!

Ердан ҳовур кўтариляпти. Улкамизда баҳор нафаси кеза бошлади. Деҳқон қадрдон даласини, боғбон эса ўз боғларини оралаяпти. Ҳа, баҳор эшик қоқяпти. Бу йилги баҳорнинг нафаси ўзгача. Ҳар бир ер соҳиби Октябрь баҳорининг 60 йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш ишқи билан меҳнат қилмоқда. Буни айниқса Тошкентдаги Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти боғбонлари мисолида кўриш мумкин. Бу илмий муассасанинг 1-бригадаси боғбонлари ўтган йили 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 тоннага яқин ҳосил олишган эди. Бу йил уларнинг мақсади боғ ҳосилдорлигини янада ошириб, юбилей йили дастурхонини мўл-кўл мева маҳсулотлари билан безашдир. Суратда: М. Қаюмов дарахтга шакл бераётган пайт.

**А. Тўраев** фотоси.

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

ШУКРУЛЛО

### ЯШАГИМ КЕЛАДИ...

Мустай КАРИМга

Бугун эрталабдан хомушроқ турдим,
Билмадим, бу тушим асоратими!
Ё мени маст қилган гуллар атрими!
Нечундир боғимда хаёлчан юрдим.

Ўйларим чувалган, ҳолим паришон,
Бу илҳом парисин сеҳримиди ё!
Баъзида не куйга солмайди дунё,
Не-не ҳолатларни кечирмас инсон!

Овутмоқ бўламан бир дам ўзимни,
Булбуллар куйига қулоқ соламан,
Ширин хаёлотлар ичра толаман,
Аммо қувонтирмас гул ҳам кўзимни.

Қайга етакламас гоҳи хотира,
Не-не хаёлларга бормайсан баъзан.
Аммо зўр қувончни ҳис этолмайман,
Дўстларим борлигин эслашдан кўра.

Дўстлардан эшитган илиқ сўзларим
Қалбимга нур бўлиб, бағишлар қанот.
Яна ҳам гўзалроқ кўринар ҳаёт,
Яшагим келади, яна яшагим.

### ҚИШЛОҚ

Кўкни булут буркаб, учқунлади қор,
Қўмсаб йўлга тушдим қишлоғим томон
Қор остида ётар жим-жит далалар
Хаёл сурган кекса донишмандсимон.

Олисларда жим-жит турар қишлоғим
Юкин ерга қўйган деҳқон сингари.
Хаёлга толгандек бутун атроф жим,
Ҳатто сукут ичра терак шохлари.

Томдаги пичанлар мармар гумбаздек,
Қор остида жим-жит ётарди бутун.
Қишлоқ тепасидан кўкка ўрлар тик,
Тандирлардан чиққан қордек оқ тутун.

Нақадар сукунат!.. Йиллик машаққат,
Меҳнат ҳордиғининг оромими бу!
Пойга, улоқлардан сўнгги маишат,
Хотиржам кунларнинг инъомими бу!!

Бу сукут уйғотар бирдан завқимни,
Қишлоғимни қучгим келади қат-қат
Қаҳратон қишда ҳам менинг ризқимни,
Эртанинг ташвишин ўйлайди фақат.

### ҚИЁФА

Йўқ, дўстим, сен ундан ранжима сира,
Етказган бўлса ҳам дилингга озор.
Дунёда мунофиқ бўлишдан кўра
Афзал-ку дардини сўзламоқ ошкор.

Заҳри йўқ дейдилар бетга айтганни,
Сен бунга шукур қил, сен бунга қувон.
Шубҳа азобидан қутқармиш сени...
Яхши-ку, ариса қалбингдан туман.

Аммо, баъзилар бор, на қаҳру раҳмин,
Унинг қиёфасин билмайсан аён.
У руҳми, шарпами, етмайди фаҳминг,
Дўстим, ҳаммасидан мана бу ёмон.

Қиёфасиз одам!.. У қандайлигин
Таърифламоқ маҳол! Ана турар у.
Даштдаги саробга бир пас тикилган,
Қиёфасиз одам худди мана шу!

Дўстим, биров даҳрий, биров художўй,
Дунёни тарк этмас ҳеч вақт эътиқод.
Қиёфасиз одам еяр-ичар-у
Маслагин айтмоқдан ҳайиқар, ҳайҳот!

Жанг чоғи бурчакдан термулар улар,
Кимнингдир ғалаба қилмоғин кутиб.
Уни зафарига қўшмас ғолиблар,
Мағлублар юзига кетар тупуриб.

Зилзила силкитар, дўстим, ногаҳон,
Сени ғафлат ичра қолдиради у.
Баъзан вайрон қилар боғларин вулқон,
Қиёфасиз одам худди мана шу!

Баъзан кўз олдимга келар арғимчоқ,
Доим икки томон тебранади у.
Кўзимга кўринар гоҳо қўғирчоқ...
Қиёфасиз одам худди мана шу!

### КЕКСАЛИК

Кексалик — донолик, нафси ўликлик,
Дунёга ортиқ ҳис қўймаслик эмиш.
Ҳаю-ҳавасларга бўлган сўнуклик,
Икир-чикирларга куймаслик эмиш.

Чинорлар тагида бир дам ҳол йиғиб,
Хаёлан ариққа тикканда кўзин,
Ҳаётни туганмас дарёдек билиб,
Оққувчи япроқдек санармиш ўзин.

Қўш-қўш набирасин етаклаб боққа,
Кўксултон ғўрасин берганда узиб,
Кафтида чигитдек қолган қадоққа
Шукрона этармиш, бир дам кўз сузиб.

Дастурхон ёнида ўғил-қизларин
Хурсанд кулгуларин тинглаганда у,
Мамнунлик нурлари қоплаб юзларин,
Яшамоқ мазмуни деяр экан шу.

Гўдаклар талашиб гоҳо ўйинчоқ,
Йиғлашса, бобом ҳам куйиб кетарди.
Мартаба жанжалин эшитгани чоғ
Ўтирган ўрнидан туриб кетарди.

Билмадим, бу чиндан доно бўлишми!
Сунбула сувидек ёки тинишми!..

### БОБОМНИНГ ФАЛСАФАСИ

Бобомда ажойиб одат бор эди:
Кичик чумолига бермасди озор.
Лекин одамларга феъли тор эди,
Баъзан йиғлатарди бизларни зор-зор.

Агар асалари қўлига қўнса,
Чертишга ботинмай, қараб турарди.
Аммо бизда бирон ёмонлик кўрса,
Шундай ёнардики, ҳатто урарди.

Заҳарли арига марҳамат қилиб,
Одамга қаҳридан бўлардим ҳайрон.
Буни сезган бобом мийиғда кулиб,
Шошмай фалсафасин қиларди баён:

У баҳор ошиғи, гуллар шайдоси,
Унинг ниятидир етказмоқлик бол.
У жонивор кимгадир санчса найзасин
Ўзининг умри ҳам топади завол.

У кимни чақмасин, қолади ниши,
Биттани чақишдан ўтмас нарига.
Бировга ёмонлик етказган киши,
Кошки ўхшасайди асаларига!..

### БОҒ

Чирт-чирт узилади боғларда япроқ,
Дарахтлар юк ташлаб, тортибди енгил.
Майсалар ичида сувлар қўнғироқ,
Бир ором кайфида яйрайди кўнгил.

Теварак боғларда тўкилур япроқ,
Меҳнаткаш дарахтлар тиклайди қаддин.
Йўловчи, уларга бир дамгина боқ,
Сенинг гердаймоққа бормикан ҳаддинг!

### КЕЧИР

Сенга ёлвораман, гуноҳимдан ўт,
Афсус аламида ўртама қалбим.
Баъзида қоқилур, тўрт оёқли от...
Наҳот сенга бўлса ёмон ниятим.

Гап деган нарса бу — гўё қисм қор,
Юмалатган саринг бўлади катта.
Навоий шеърин ҳам навоийхонлар
Бир хилда фаҳм этган эмас, албатта.

О, мендан ранжима, бурма юзингни,
Кечирим лаззатин тотиб кўр бир дам.
Майли, кечирмагил унда мени ҳам.
Хато қилмовчи деб билсанг ўзингни.

## АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАРЛАРИДАН

### САНЪАТ БАЙРАМИ

Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб Қарши шаҳрида санъат байрами қизғин ўтказилаётир. У бир неча ой давом этади ва ана шу муддат ичида областнинг донгдор пахтакорлари, чорвадорлари, соҳибкорлари ҳамда саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги область музикали драма ва комедия театри биносида, Шаҳрисабз шаҳридаги маданият уйида қашқадарёлик санъаткорларнинг маданий хизматидан баҳраманд бўладилар. Санъат байрами кунларида томошабинларга «Ёрилтош», «Майна Ҳасанова», «Қудалар», «Андро ва Сандро» каби драматик асарлар кўрсатилади.

Санъат байрами кунларида қишлоқ меҳнаткашларининг областдаги етук артистлар билан учрашувлари бўлиб ўтади.

### АРИҚЛАРНИНГ ЯНГИ «ТЎН»ЛАРИ

«Самаркандгипроводхоз» институтида шаҳар ирригация тармоқларини реконструкциялаш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа қадим замонлардаги суғориш иншоотлари усталарининг режалари ҳисобга олинган ҳолда тайёрланди.

Шаҳардаги учала район территориясининг ҳар бирида ҳозир ҳам бир неча аср муқаддам бунёд этилган ариқ ва каналлар мавжуд. Улар Самарқанднинг ривожланиш бош планига жуда ярашиб тушган, фақат кўҳна каналларнинг ўзанларини текислаш, кенгайтириш, чуқур қилиб қазиш ҳамда бетон ёткизиш керак. Каналларнинг қирғоқларига гранит ва мармар ётқизилади. Яшил йўлкалар вужудга келади.

Қидириш ишлари тугалланди. Қурувчилар иш бошлаб юбориш арафасида турибдилар. Эски ирригация системаси реконструкция қилингандан кейин шаҳарга келадиган сув ҳозирдагидан икки баравар кўпаяди.

### САМАРАЛИ ТАКЛИФЛАР

Тошкент электрон-техника заводининг С. Кастеров мастер бўлган участкасида илғор технология жорий қилинди. Бу технология йилига 50 минг сўмни тежаш имкониятини беради. О. Гордон мастер бўлган йиғиш участкасида ярақли буюмларнинг чиқарилиши 6 процент кўпайтирилди. Ҳар иккала таклиф рационализаторларнинг заводда ўтказилган конкурсида мукофотга сазовор бўлди. Ишлаб чиқариш новаторлари беш йиллик бошидан буён корхонанинг 1,2 миллион сўмини тежаб қолдилар.

### «ҚИРҚҚИЗ» АНСАМБЛИ

Конимех районидаги Абай номли ўрта мактабнинг рубобчи қизлар ансамбли эллик битта концерт қўйиб берди. Ансамбль асосан қизлардан ташкил топгани учун унга «Қирққиз» деб ном берилди. Конимех ва Томдибулоқ ишчилар клубларининг саҳналарида, дала шийпонларида, фермаларда ансамбль ижросида ўзбекча, қозоқча, тожикча халқ куйлари янграйди.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

## ИХОТА—ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

Ихотанинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти жуда катта. Тупроқнинг структураси бузилиб, ерларнинг унумдорлиги камайиб кетмаслиги учун далалар атрофини дов-дарахтлар билан ўралади. Бу дарахтлар шамол, довул, гармсел каби табиий офатларнинг олдини олиб, экинларнинг ҳосилини анча оширади. Кузатувларга кўра пахтанинг ҳосили гектаридан 10-12 центнер, дон 7-8 центнер, сабзавотларнинг ҳосили 15-16 центнер кўтарилган. Ихота бўлмаган жойларда ҳосил анча камайиб кетган. Ихоталанмаган далалардаги экинларнинг ҳолати нормал бўлмай, гоҳо улар қизиб кетади, баъзан эса совиб, ўсиш ҳолати ёмонлашади.

Мана шунинг учун ихота жуда зарур. Шу кунларда республикамиздаги барча экинзорларни ихоталаш пайти келди. Тоғ, адирлар, чўллардаги экинларни ихоталашда қурғоқчиликка бардош берадиган — писта, бодом, жийда, саксовул, арча, акация, қайрағоч, чингил каби дарахтларнинг ниҳолларидан фойдаланса бўлади. Нам етарли зоналарга эса экинзорларни ёнғоқ, жийда, ўрик, тут, нок, беҳи, шафтоли, олхўри, гилос, тол, терак, дублар билан ихоталаш мумкин.

Далаларни ихоталаш деҳқончилик маданиятини оширади. Ихота аҳолининг соғлигини муҳофаза қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

М. ТУЙЧИЕВ,
табиатшунос.

## «МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...»

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг соғлиғини сақлаш мақсадида тўрт юз ўринли янги касалхона ва икки юз ўринли болалар касалхонаси бинолари фойдаланишга топширилди. Ихтисослашган бўлимлар учун турли даволаш аппаратлари олинди.

Бирлашма қошидаги медицина-санитария бўлинмасига республикада хизмат кўрсатган врач Илёс Эргашев бошчилик қилмоқда.

Яқинда биз бирлашмага қарашли Кисловодск кўчасидаги касалхонада бўлиб, беморлар билан суҳбатлашдик. Корхонанинг 23-цех ишчиси Абдулла Ортиқов шундай деди: «Мен икки йилдан бери оғир касаллик билан оғриб, қийналиб юрдим. Бош хирург Носир Хўжаев ва тажрибали хирург Акбар Муҳиддиновлар мени операция қилишди. Кўзим очилди. Ўзимни яхши ҳис этяпман. Бу оғир дарддан мени халос этган шифокорларга минг раҳмат».

Бирлашма ишчиси Любовь Ивановна Продецова ўз миннатдорчилигини шундай изҳор этди: Менинг буйрагимда тош бўлиб, уч йилдан буён қийналиб келардим. Лекин операция қилдиришга юрагим дов бермасди. Хирург А. Муҳиддинов менга далда берди.

Мана, ҳозир операция жароҳатлари анча тузалди. Онадан қайта туғилгандекман».

Шунингдек, бошқа беморлар ҳам хирург Н. Хўжаев ва А. Муҳиддинов қўлида шифо топганликларини мамнуният билан изҳор қилдилар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
жамоатчи мухбир.

Редактор М. ҚОРИЕВ.


## Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

26—27 ФЕВРАЛДА
1977 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ
ЎТКАЗИЛАДИ

ТИРАЖДА «МОСКВИЧ-412», «ЖИГУЛИ-2101», «ЗАПОРОЖЕЦ» АВТОМАШИНАЛАРИ, КЎП МИҚДОРДА АРАВАЧАЛИ МОТОЦИКЛЛАР, ХОЛОДИЛЬНИКЛАР, ГИЛАМЛАР, ГИЛАМ ПОЁНДОЗЛАР ҲАМДА ПУЛ ЮТУҚЛАРИ ЎЙНАЛАДИ.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ ВА ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ҚАТНАШИНГ!



ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ.


### Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/II да **Пўртана**, 24/II да **Келинлар қўзғолони** (билетлар сотилган), 25/II да **Парвона**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/II да **Жоним фидо**, 24/II да **Олифта**, 25/II да **Ўжарлар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/II да **Беш кунлик қуёв** (17.30), 24/II да **Ишқ қурбонлари** (16.00), 25/II да **Фақат ақл сотилмайди** (17.30).

### Цирк

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ГРУЗИЯ ЦИРКИ» коллективи ҳамда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҲАКИМ ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ» коллективининг чиқишлари** (19.30).

### Кино

САНЪАТ САРОЙИ (катта зал) — **Ҳимоя учун сўз** (кундуз ва кечқурун), **Рампа чироқлари** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

**Ҳимоя учун сўз** — «ВОСТОК» (11, 13, 15, 17, 18.30, 20, 21.30), «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

**Кексалар учун эрмак** — «ЯНГИОБОД» (11, 13, 15, 17, 19.00).


●

ВГО «СОЮЗУЧЕТИЗДАТ»нинг
ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ
БУЮРТМАЧИ ҚОҒОЗИДАН ҲУЖЖАТЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРИШГА
БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: 700003, Тошкент шаҳри —3, Равшан кўчаси, 39-уй. Телефон 44-17-82.


## Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

### Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **«Шимолий флот юнгаси»** (бадиий фильм). 11.55 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 16.00 — **Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси.** 17.00 — **«Бургутча»** (бадиий фильм). 18.15 — Горнчилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — **Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни.** СССР Мудофаа министри ўринбосари, Ҳарбий-Ҳаво кучлари Бош қўмондони, авиация бош маршали П. С. Кутахов сўзи. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — **«Белорусь вокзали»** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Хоккей:** ЦСКА — «Динамо» (Рига). 00.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Физика. 12.00 — Фильм-концерт. 12.30 — Физика. 13.00 — **«Қизил майдон»** (бадиий фильм, 1-серия). 18.30 — «Қизил галстук». 19.00 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.25 — **Миллионлар ленинча университети.** 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — **Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни.** Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони биринчи ўринбосари генерал-майор Л. Ф. Кадацкий сўзи. 20.10 — Жанговар шон-шуҳрат клуби. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **Жангчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Пахтакорларнинг баҳорги ташвишлари.** 22.45 — В. Ғафуров. **«Вафодор»** (кўп серияли телеспектакль. 3-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — Шаҳарлараро телефон станцияси эшитади. 20.55 — Физика.

### Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ (концерт). 9.30 — Ёшлик куйлайди. 11.15 — **«Ватан соқчилари».** Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи қўмондонининг олий ўқув юртлари бўйича ёрдамчиси, генерал-майор Г. П. Стрельцов сўзи. 11.30 — **Ватан посбонлари.** Музикали-адабий композиция. 12.10 — **Узбекистан индустриальний».** 13.00 — Қишлоқ мухбирлари ёзадилар. 13.30 — Совет Армиясининг жангчилари, Сизлар учун (музикали программа). 14.00 — **Ихтисослаштириш хўжаликка нима беради?** 16.10 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 18.30 — **Солдатнинг спорт шон-шавкати.** 19.00 — **Миллионлар ленинча университети (Москва).** 19.20 — **«Ёшлик»** радиостанциясининг программаси. 20.20 — Янги музикали ёзувлар. 21.00 — Ўзбек халқ куйлари. 22.00 — **Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.** 22.30 — Қардош коммунистик партияларда 22.40 — «Ватан ҳақида қўшиқ». Совет шоирларининг шеърлари. 23.15 — **Совет Армияси жангчилари талабларига биноан концерт.**


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 • ТЕЛЕФОНЛАР:
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 14200. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 45.